


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 17 июнь, № 124 (8467) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 14 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда маъқулланган

Мамлакатимизда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, норасмий бандлик улушини қисқартириш, шунингдек ўзини ўзи банд қилган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ҳар ойлик ижтимоий солиқ суммаси миқдорининг юқорилиги, шахсий томорқа ер участкасида фаолиятни амалга ошираётган фуқаролар учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида ортиқча талаблар ва тартиб-таомилларнинг мавжудлиги қонунчиликда назарда тутилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди.

Шу сабабли ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига савдо мажмуалари ва бозорларда фаолиятни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларни истисно этган ҳолда, якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун тўланиши лозим бўлган ҳар йилги ижтимоий солиқ суммасининг миқдори йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг олти бараваридан бир бараваригача миқдорга камайтирилишини, шунингдек шахсий томорқа ер участкаларида фаолиятнинг айрим турлари билан банд бўлган фуқаролар томонидан томорқа ер участкаси майдонидан ҳамда улар парвариш қилаётган уй ҳайвонлари ва паррандалар сонидан қатъи назар, ижтимоий солиқни ихтиёрий равишда тўлаш имкониятини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.


**(Давоми 2-бетда).**


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 17 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат ҳисобидан юридик ёрдам** – ушбу Қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ тўлиқ ёки қисман давлат ҳисобидан кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам;

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри** – давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида ушбу Қонунга мувофиқ шартнома тузган адвокатлар ҳақидаги маълумотлар базаси;

**«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими** – кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаси;

**кам таъминланган шахс** – «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида кам таъминланган шахс деб эътироф этилган шахс;

**«Юридик ёрдам» ахборот тизими** – тасодифий электрон тарзда танлаб олиш йўли билан жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишга адвокатларни жалб этиш, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган махсус электрон ахборот тизими.

**4-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги асосий принциплар**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

шаффофлик;

холислик, касбий маҳорат ва билимга эгалик;

камситишга йўл қўймаслик;


**(Давоми 2, 3-бетларда).**


**БИЗ ва ЖАҲОН**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ВА ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ

**Вашингтонда ана шу мавзуга бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.**

*Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари доирасида мамлакатимиз дипломатия миссияси томонидан АҚШ "Миллий пресс-клуб"и билан ҳамкорликда Американинг етакчи ва Вашингтонда аккредитациядан ўтган халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Янги Ўзбекистон" тақдимоти уюштирилди. Тадбирда "Bloomberg", "BBC News", "The Diplomat", "The Hill", "CNBC", "ZDF German TV", "Voice of America", "Spectrum News", "Washington Diplomat", "Axios", "Turan News Agency" ва бошқа ОАВ вакилларидан иборат 35 нафар журналист ва медиаменежер қатнашди.*

Тадбир аввалида унинг иштирокчилари Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бориши ва улар бераётган салмоқли натижалар, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг мазмун-моҳияти, ташқи ва минтақавий сиёсатнинг устуворликлари ҳамда Президент сайлови кампаниясининг бориши билан яқиндан танишдилар. Кўп қиррали Ўзбекистон — Америка стратегик шериклигининг изчил ривожланиб бораётгани ҳам ислоҳотлар сиёсатининг самараси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мулоқот доирасида Ўзбекистоннинг сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий меросига бағишланган тақдимот ўтказилди.

"Миллий пресс-клуб" вице-президенти, "Bloomberg" нашри шарҳловчиси Эмили Уилкинс сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлар экан, Ўзбекистонда бу борада катта муваффақиятларга эришилаётганидан воқиф эканлигини қайд этди. У мамлакатимизнинг сайёҳлик ва иқтисодий салоҳияти тақдимотини юқори баҳолагани баробарида Вашингтон шаҳри журналистлар ҳамжамиятининг Ўзбекистон ҳақида хабардорлигини ошириш борасида дипломатия миссияси билан яқин ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирди.

"The Hill" нашри мухбири Саракши Раи "Ўзбекистон маданияти ва миллий таомларидан, шунингдек, республикада рўй бераётган ўзгаришларнинг юқори суръатлари ҳамда яратилаётган сайёҳлик ва сармоявий имкониятлардан ҳайратланганини маълум қилди.

Мустақил журналист Флавиус Михайес тақдимот билан танишгач, турли дин вакиллари — мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар асрлар давомида тинч-тотув яшаб келаётган Ўзбекистонда ҳукм сураётган толерантлик муҳити ўзини ҳайратга солганини қайд этди.

"Мен бугун икки минг йилдан зиёд давр мобайнида ўзбек жамиятининг бир қисми бўлган яҳудий жамоасининг вакиллари мамлакатингизда тинч-тотув яшаб келаётганини кашф этдим. Бағрикенгликнинг бундай ноёб тажрибаси ҳақида тез-тез айтиб туриш керак, шунда кўпроқ одамлар бу ҳақда билишади", деди у.

"Мен дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман ва энди менинг янги мақсадим бор — Ўзбекистонга боришни истаяпман. Бугун биз мамлакатингиз ҳақида кўп нарсаларни билиб олганимиз ҳолда Ўзбекистонни қайта кашф этдик. Шубҳа йўқки, мамлакатингиз улкан салоҳиятга эга ва мен уни ўз кўзим билан кўришни мақсад қилдим", деди "Associated Press" агентлигининг Ҳиндистон ва Япониядаги собиқ мухбири Майрон Белкинд.

Умуман олганда, Американинг етакчи ва Вашингтонда аккредитациядан ўтган халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари якдиллик билан дипломатия ваколатхонасининг кенг қамровда журналистларни таклиф этган ҳолда ташкил қилган ушбу тадбири Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган очиқлик сиёсатини ўзида акс эттиради, деган фикрни билдирди.

# ЎЗБЕКИСТОН ТРИНИДАД ВА ТОБАГО БИЛАН ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТДИ

**Бу Ўзбекистон дипломатия муносабатларини ўрнатган 144-мамлакат бўлди.**

Шу йилнинг 15 июнь куни Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) Ўзбекистон Республикаси ҳамда Тринидад ва Тобаго Республикаси ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш бўйича Қўшма коммюнике имзоланди.

Икки мамлакат ҳукуматлари номидан ҳужжатни Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов ҳамда Тринидад ва Тобагонинг БМТдаги доимий вакили Деннис Фрэнсис имзолади.

— Тринидад ва Тобаго ҳамда Ўзбекистон дунёга ва халқаро ҳамжамиятга дипломатия муносабатларини ўрнатиш қарорини расман эълон қилган кун келганидан мамнунман, — деди Деннис Фрэнсис коммюнике имзолангандан сўнг. — Биз Тринидад ва Тобагода буни Марказий Осиё минтақасининг муҳим аъзоси бўлган Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг ибтидоси, деб биламиз.

Тринидад ва Тобаго — Жанубий Американинг Шимоли-Шарқий қирғоғида жойлашган давлат, Британия Ҳамдўстлиги ҳамда Америка давлатлари ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Томонлар халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари доирасида қўшма ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар. Ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли йўналишларини қидириб топиш бўйича икки томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлашга келишиб олинди.

Ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Кариб ҳавзаси мамлакатлари билан ҳамкорлигини фаоллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Бундан аввалроқ, шу йилнинг 1 июнь куни доимий вакил Деннис Фрэнсис БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси раиси этиб сайланган эди.

Эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг 28 апрель куни мамлакатимиз Сьерра-Леоне Республикаси билан дипломатия алоқаларини ўрнатган эди.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

*Ўзбекистон делегацияси Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро меҳнат конференцияси 111-сессиясида иштироки доирасида ХМТнинг ихтисослаштирилган тузилмалари раҳбарлари ҳамда бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди.*

## Мулоқот

Хусусан, Сенат Раиси АҚШ меҳнат вазирининг ташқи ишлар бўйича ўринбосари Теа Ли ҳамда ушбу мамлакатнинг халқаро меҳнат масалалари бўйича махсус вакили Келли Фэй Родригес билан музокаралар ўтказди.

Мулоқотда икки давлат ўртасидаги меҳнат муносабатлари соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди.

Танзила Норбоева меҳнат муносабатлари тизимини такомиллаштириш бўйича янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиёт турли тармоқларида меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтди.

— Аниқ натижаларга эришиб, меҳнат соҳасидаги муаммонинг сиёсий қисмини ҳал қилганимиздан сўнг асосий амалий иш кўлами бошланди, яъни муносиб бандлик шароитларини яратиш ҳамда меҳнат соҳасига халқаро стандартларни жорий этиш устувор вазифага айланди, — деди Сенат Раиси.

Ўз навбатида, Теа Ли Ўзбекистондаги меҳнат муносабатлари соҳасидаги ислоҳотлар ҳамда ХМТ билан ҳамкорликнинг ҳозирги даражасини юқори баҳолади.


➡ 3


**Анжуман**

# «МЕҲНАТ ДУНЁСИ: ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҲАММА УЧУН»

**Шу номдаги саммитда делегациямиз иштирок этди.**

Мамлакатимиз парламенти юқори палатаси Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Халқаро меҳнат ташкилоти Халқаро меҳнат конференцияси 111-сессияси доирасида "Меҳнат дунёси: ижтимоий адолат ҳамма учун" саммитида иштирок этди.

Хусусан, жаҳоннинг кўплаб давлатлари Президентлари ва ҳукумат раҳбарлари қатнашган "Адолатли ўтиш мақсадида иш ўринлари ва ижтимоий ҳимоя" мавзуидаги тадбирнинг панель сессиясини Ўзбекистон Республикаси делегацияси раҳбари Т. Норбоева Германия меҳнат вазири Х. Хайл билан бирга асосий маърузачи сифатида очиб берди.

ХМКда иштирок этувчи барча давлатлардан фақат Ўзбекистон ва Германияга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда эришган ютуқлари, муносиб меҳнат шароитини яратиш борасидаги тажрибаси, шунингдек, ХМТ билан конструктив ва самарали ҳамкорликни шакллантиргани учун ушбу саммит асосий иштирокчиси мақомида қатнашиш имконияти яратилди.


➡ 3


# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат барпо этилишининг энг муҳим шартларидан бири мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги бўлиб, бу вазифани миллий Қуролли Кучлар таъминлаши лозим.*

*Халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка таҳдидларнинг кучайишини инобатга олган ҳолда мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини изчил мустаҳкамлаш олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.*

*Шу муносабат билан, табиийки, давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва салоҳиятини кучайтириш борасидаги мақсад ва вазифалар 2017 йилда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам белгилаб қўйилди.*

## Нуқтаи назар

### Мудофаа ва хавфсизлик соҳасини қонун талаблари асосида бошқариш

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасини қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Жумладан, ҳарбий соҳада мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принцип ва ёндашувларни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Хусусан, унда мамлакатимизнинг принципиал позицияси — ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ операцияларда иштирок этмаслиги ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда Қуролли Кучларнинг асосий вазифалари, мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш асослари белгиланган.

Маълумки, жамиятни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида куч ишлатишга доир ҳуқуқ борасида фақат давлат мутлақ монополияга эга ва бу ҳуқуқ давлат куч тузилмаларига топширилган. Шу билан бирга, иккита вазифани ҳал қилишда мувозанатга эришиш муҳим аҳамият касб этади: бир томондан хавфсизликни таъминлаш ва бошқа томондан инсоннинг конституциявий ҳуқуқларига риоя қилиш. Шу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини тартибга солувчи, сўнгги йилларда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг долзарблиги ва аҳамиятини қайд этиш лозим.


➡ 4


# КИЧИК ЛОЙИҲАЛАРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

*Муқобил энергия — табиатнинг инсониятга инъом этган битмас-туганмас ва экологик тоза ресурси ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланадиган гидроэнергетика ресурслари улушини изчил оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*




"Ўзбекгидроэнерго" АЖ маълумотларига қараганда, республикамиз бўйлаб жами 250 та умумий қуввати 125 МВт, ўртача йиллик ишлаб чиқариши 675 млн. кВт/соат бўлган кичик гидроэлектростанциялар (ГЭС) лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилган.

Ушбу манзилли рўйхат асосида Андижон туманидаги Завроқ маҳалла каналининг биринчи пикетида қуввати 200 кВт, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,2 млн. кВт/соат бўлган "Завроқ" микроГЭСи ишга туширилди. Мазкур лойиҳани ишга тушириш орқали келгусида Андижон туманининг 300 та хонадонини ёки 1,2 минг аҳолисини экологик тоза электр энергия билан таъминлаш имкони яратилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Улуғнор каналининг саксон бешинчи пикетида чархпалак типидаги кичик ГЭС ҳам янги қувватда ишга туширилди.

Қуввати 50 кВт, йиллик ишлаб чиқариш энергияси 360 минг кВт/соатни ташкил этган мазкур кичик ГЭС 150 та хонадонни узлуксиз электр билан таъминлаш имкониятига эга.

Қайд этиш лозимки, биргина Андижон вилоятида аниқланган дастлабки рўйхатга кўра умумий қуввати 19 МВт жами 52 та микроГЭСни қуриш режалаштирилган. Шундан, жорий йилда умумий қуввати 2 130 кВтли 7 та қайта тикланувчи энергия манбаси, хусусан, сув босимида ишловчи 3 та микроГЭС, сув юзида сузиб турувчи 2 та кинетик гидроагрегат ҳамда чархпалак туридаги 2 та лойиҳанинг ишга туширилиши кўзда тутилган.




Энг муҳими, мазкур лойиҳаларни амалга оширилиши ҳисобига ҳудуд узлуксиз электр энергия таъминотига эга бўлиш билан бир қаторда, доимий асосда 40 га яқин иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, 2023-2024 йилларда Андижон вилоятида қуввати 6,9 МВт, ўртача йиллик энергия ишлаб чиқариш қуввати 33,0 млн. кВт/соатга тенг "Жанубий Фарғона каналида ЖФК-3 ГЭС қурилиши" лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Ушбу лойиҳани ишга тушириш орқали келгусида Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги 14 минг хонадонни экологик тоза энергия билан таъминлаш имкони яратилади.

Вилоятда янги микроГЭСларнинг очилиш маросимига бағишланган тантанали тадбирда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси А. Сангинов, вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмонов ҳамда тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек «Томорқа хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига томорқа хўжалигида меҳнат фаолиятини тартибга солувчи тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун бундан буён норасмий бандлик улушини қисқартиришга, якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар, томорқа хўжалигида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар учун ижтимоий солиқ тўловининг ҳисоб-китобини ва уларнинг меҳнат стажи ҳисобланишини соддалаштиришга, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан янада кўпроқ иш ўринлари сони яратилишига хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **408-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «иккинчи қисмида» деган сўзлар «иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) савдо мажмуалари ва бозорларда фаолиятни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида»;

**3-банди учинчи хатбошисининг ўзбекча матни** «50 фоизи миқдорида» деган сўзлардан кейин «мажбурий тартибда тўланади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида:

ўзини ўзи банд қилган шахслар;

шахсий томорқа ер участкаларида банд бўлган ёки мазкур майдонда чорвачилик (қорамол, қўйлар, эчкилар, отлар ва бошқалар), иссиқхона хўжалиги, паррандачилик (товуқлар, беданалар, куркалар, ғозлар, ўрдаклар), қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шуғулланаётган шахсий томорқа ер участкаларининг эгалари ёки уларнинг оила аъзолари бўлган фуқаролар томонидан (уларга тегишли томорқа ер участкасининг майдонидан ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар);

деҳқон хўжалигининг аъзолари (бундан деҳқон хўжалиги бошлиғи мустасно) ва деҳқон хўжалигида банд бўлган жисмоний шахслар;

меҳнат шартномаси асосида чет элда ёлланиб ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

ишламайдиган эри (хотини) учун солиқ тўловини амалга оширувчи ишлаётган фуқаролар томонидан ихтиёрий тартибда солиқ тўланади.

Меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида:

«Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоси бўлган ҳунармандчилик фаолияти субъектлари;

«Уста-шогирд» мактаблари ўқувчилари – улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврда;

деҳқон хўжалиги бошлиғи;

якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар (бундан ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган жисмоний шахслар мустасно) томонидан мажбурий тартибда солиқ тўланади.

Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари солиқ тўлашдан озод этилади, ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган қолган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун эса солиқ миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган ёки тугатилган тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ юзага келган ёки тугатилган ойдан эътиборан амалга оширилади»;

**тўртинчи – ўн биринчи қисмлари** тегишинча **бешинчи – ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «иккинчи қисмида» деган сўзлар «иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари учун» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «(деҳқон хўжаликлари аъзолари учун – йил)» деган сўзлар «(деҳқон хўжаликлари аъзолари ва деҳқон хўжалигида банд бўлган жисмоний шахслар, шунингдек ушбу модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган жисмоний шахслар учун – йил)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида, учинчи қисми бешинчи хатбошисида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 405-моддасида кўрсатилган солиқ ставкалари бўйича жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб, бироқ ушбу моддада белгиланган унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлашга ҳақли. Бунда тўланиши лозим бўлган солиқнинг узил-кесил суммаси ушбу модданинг биринчи – олтинчи қисмларига мувофиқ тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади»;

2) **482-модда бешинчи қисмининг 1-бандидаги** «408-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар «408-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Томорқа хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–681-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 287-модда) **11-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда чорвачилик (қорамол, қўйлар, эчкилар, отлар ва бошқалар), иссиқхона хўжалиги, паррандачилик (товуқлар, беданалар, куркалар, ғозлар, ўрдаклар), қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шуғулланаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари (уларга тегишли томорқа ер участкасининг майдонидан ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар) ижтимоий солиқ тўлаши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1 ва 2-моддаларининг қоидалари 2023 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 16 июнь
№ ЎРҚ—847

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига ва адвокат қасамёдига қатъий риоя этиш;

адвокатлик сирига риоя этиш;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

## 2-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

### 5-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг самарали миллий тизимини яратиш ва ривожлантириш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояга доир ҳуқуқларини ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш кафолатларини таъминлаш.

### 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартибини белгилайди;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини бошқаради;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритади;

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилиш истагини билдирган адвокатлар билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар тузилишини таъминлайди ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторингни ташкил этади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш чораларини кўради;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини молиялаштириш масаласи бўйича навбатдаги давр учун бюджет сўровларини шакллантиради;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва адвокатлар ўртасидаги ҳамкорлик тизимини мувофиқлаштиради.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш асослари ва тартиби

### 8-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи шахслар

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган адвокатлар томонидан кўрсатилади.

### 9-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар

Қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга:

1) кам таъминланган шахслар, агар улар:

фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар;

маъмурий ишлар бўйича аризачилар;

маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар;

жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек маҳкумлар бўлса;

2) руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;

3) ўз ҳуқуқлари бузилган, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;

4) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

### 10-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар:

ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олишга;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишни рад этишга;

ўзларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этилишини талаб қилишга;

махсус ваколатли давлат органи ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилганда ҳаққоний ва тўлиқ ахборот тақдим этиши;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилишига таъсир этувчи ҳолатлар тўғрисида махсус ваколатли давлат органини ўз вақтида хабардор қилиши;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун ўзлари ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги фактлари тасдиқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 11-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам ушбу Қонун 9-моддасининг 1-бандида кўрсатилган жисмоний шахсларга фуқаролик ишлари бўйича судларга ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган қуйидагилар ҳақидаги ишлар бўйича кўрсатилади:

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тўғрисидаги;

ишга тиклаш ҳақидаги;

иш ҳақини ундириш тўғрисидаги;

алиментларни ундириш ҳақидаги;

уйга киритиш, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва кўчириш тўғрисидаги;

меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчининг вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддасида назарда тутилган тартибда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларининг ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам ушбу шахслар томонидан маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда кўрсатилади.

Руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда давлат ҳисобидан юридик ёрдам:

ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;

жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш чоғида кўрсатилади.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари бўйича кўрсатилади:

давлат фуқаролик хизмати соҳасида;

сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда;

иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида;

меҳнат муносабатларида;

ижтимоий ҳимоя соҳасида;

оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида;

таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида.

Агар шахс гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи бўлиб қолса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда кўрсатилади.

Агар кам таъминланган шахс маҳкум бўлиб қолган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилади.

### 12-модда. Адвокатни Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритиш ва ундан чиқариш тартиби

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилиш истагини билдирган адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш учун «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали махсус ваколатли давлат органига электрон тарзда мурожаат қилади.

Адвокатнинг Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритиш ҳақидаги мурожаати махсус ваколатли давлат органи томонидан мурожаат келиб тушганидан кейин уч иш куни ичида кўриб чиқилади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома адвокат ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида тузилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилганидан кейин адвокат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилади.

Адвокат қуйидаги ҳолларда Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестридан чиқарилади:

адвокат билан тузилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

адвокат билан тузилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда;

адвокатнинг мақоми тўхтатиб турилганда;

адвокатнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензиясининг амал қилиши тугатилганда.

### 13-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам махсус ваколатли давлат органи ва адвокат ўртасида электрон шаклда тузиладиган шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) асосида кўрсатилади.

Шартномада қуйидагилар кўрсатилади:

адвокат ҳақидаги маълумотлар, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолда;

шартноманинг предмети;

шартноманинг амал қилиш муддати;

адвокат томонидан давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш шартлари;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Шартнома мазмунига доир ушбу Қонунда назарда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

### 14-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш тартиби

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри «Юридик ёрдам» ахборот тизими доирасида махсус ваколатли давлат органи томонидан электрон тарзда шакллантирилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрида адвокат ҳақидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестридаги рақам;

адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

адвокат ўз фаолиятини амалга ошираётган адвокатлик тузилмасининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва телефон рақами;

адвокат қайси ҳудудлар доирасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш истагини билдирган бўлса, ўша ҳудудлар номи;

адвокатнинг рухсат этилган ихтисосликлари турлари;

иш юритиш тили;

иш вақти;

адвокат билан тузилган шартнома ҳақидаги маълумотлар.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри барчанинг фойдаланиши учун очиқдир.

### 15-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда «Юридик ёрдам» ахборот тизимидан фойдаланиш

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда «Юридик ёрдам» ахборот тизимида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳужжатларни, ахборотни ва ҳисоботларни тўплаш;

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар билан шартномалар тузиш ва уларнинг ижроси устидан назорат қилиш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг шахсий электрон кабинетларини шакллантириш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатни автоматик равишда танлаш;

махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, адвокатлар, судлар, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини таъминлаш.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими махсус ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ маълумотларни «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритиш адвокатлик сирини ёки бошқа хизмат сирини ошкор этиш деб ҳисобланмайди.

### 16-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза бериш тартиби

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принципи асосида махсус ваколатли давлат органига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун қуйидагиларни тақдим этади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг паспортига оид маълумотлар (идентификацияловчи ID-карта);

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг вакили томонидан берилган тақдирда – жисмоний шахснинг вакилига берилган ишончнома ва (ёки) унинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёхуд қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда,давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза руҳий ҳолати бузилган, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган жисмоний шахснинг қонуний вакили ёки психиатрия муассасаси томонидан берилган тақдирда – психиатрия ёрдами кўрсатувчи психиатрия муассасасининг жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

ариза ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс томонидан берилган тақдирда – хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

Ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ахборот махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинуви доирасида мустақил равишда электрон шаклда олиниши мумкин.

### 17-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни (ваколатли органнинг ёки муассасанинг ёхуд мансабдор шахснинг қарорини, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорини ёки суднинг ажримини) ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан юбориш тартиби

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров (ваколатли органнинг ёки муассасанинг ёхуд мансабдор шахснинг қарори, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими (бундан буён матнда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров деб юритилади) қуйидаги ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали юборилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган даъвогарнинг ёки жавобгарнинг илтимосига кўра фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган аризачининг илтимосига кўра маъмурий суд томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқбузарнинг илтимосига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан;

жиноят иши бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг илтимосига кўра жиноят иши ўз иш юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор важиноят ишлари бўйича суд томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган маҳкумнинг илтимосига кўра жазони ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасаларнинг ҳамда органларнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатаётган психиатрия муассасаси томонидан;

ўз ҳуқуқлари бузилган ҳамда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг илтимосига кўра суд томонидан.

Ишни юритаётган ваколатли органнинг (мансабдор шахснинг) давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахс ҳақидаги ахборот, шу жумладан унинг паспортга оид маълумотлари (идентификацияловчи ID-карта), иш рақами ва тоифаси, иш юритиладиган тил ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа ахборот кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни юборишда ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахснинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда турганлиги ҳақидаги маълумотлар «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали автоматик равишда текширилади.

Агар давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда турган бўлса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади ва кўриб чиқиш учун махсус ваколатли давлат органига юборилади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Агар жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда турмаган бўлса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинмайди, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлса, адвокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда туриши ёки турмаслигидан қатъи назар, «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

### 18-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризани ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни кўриб чиқиш тартиби

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров махсус ваколатли давлат органига келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида кўриб чиқилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган, жиноят ишлари бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар ва муддатлар мустасно.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризани ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни кўриб чиқишда қуйидагилар текширилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризада ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровда баён этилган масалаларнинг ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига мувофиқлиги;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг вакили томонидан берилган тақдирда – жисмоний шахснинг вакилига берилган ишончнома ва (ёки) унинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёхуд қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза руҳий ҳолати бузилган, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган жисмоний шахснинг қонуний вакили ёки психиатрия муассасаси томонидан берилган тақдирда – жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлиги ҳақидаги ахборот;

ариза ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс томонидан берилган тақдирда – хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқилаётганлиги ҳақидаги ахборот.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан ушбу Қонун 9-моддасининг 1-бандида кўрсатилган жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров юборилган тақдирда, шахснинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида кам таъминланган шахс деб эътироф этилганлиги ҳақидаги ахборот «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали автоматик равишда текширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризани ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни кўриб чиқиш якунлари юзасидан махсус ваколатли давлат органи тегишинча ариза берган жисмоний шахсни ёки сўров юборган ваколатли органни (мансабдор шахсни) давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисида хабардор қилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризада ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровда кўрсатилган ахборот ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, қарор «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

### 19-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни рад этиш асослари

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаганда;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза жисмоний шахснинг вакили томонидан унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмасдан берилганда;

психиатрия ёрдами кўрсатувчи психиатрия муассасасининг жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси мавжуд бўлмаганда;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлмаганда;

жисмоний шахс (унинг вакили) томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ёлғон ёки нотўғри ахборот мавжуд бўлганда;

жисмоний шахсга илгари фуқаролик ишлари ёки маъмурий ишлар бўйича айни ўша тарафлар ўртасидаги низо юзасидан айни ўша предмет тўғрисидаги ва айни ўша асослар бўйича ҳуқуқий ҳимоянинг барча воситалари қўлланилган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган бўлса (бундан янги очилган ҳолатлар бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳоллари мустасно).

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш рад этилган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахсни ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида сўров юборган ваколатли органни (мансабдор шахсни) рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш рад этилганлиги устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

### 20-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатни «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танлаш тартиби

Махсус ваколатли давлат органининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори ёки адвокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинганидан кейин «Юридик ёрдам» ахборот тизими давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлардан бирини автоматик равишда танлайди.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали адвокатни танлашда унинг ихтисослашуви, адвокат қайси ҳудуд доирасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша ҳудуд ва иш юритиш тили инобатга олинади.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган ҳамда тегишли ишда ўзининг иштирок этишини тасдиқлаган адвокат қонунчиликда белгиланган муддатларда ва тартибда юридик ёрдам кўрсатишга киришиши шарт.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган адвокат ҳақидаги ахборот давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахсга ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида сўров юборган ваколатли органга (мансабдор шахсга) жўнатилади.

Агар «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган адвокат ишда иштирок этишни рад этадиган бўлса, у рад этиш асосларини дарҳол «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритиши керак.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали адвокатни танлаш жараёни «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган адвокатлардан бири ўзининг ишда иштирок этишини тасдиқланмагунига қадар давом этади.

### 21-модда. Адвокатни давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан ишда иштирок этиш учун жалб қилиш тартиби

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан қуйидаги ҳолларда адвокатлардан бирини ишда иштирок этиш учун жалб қилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур бўлганда;

техник муаммолар сабабли «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали адвокатни танлаш имконияти мавжуд бўлмаганда;

дам олиш ёки ишланмайдиган байрам кунлари бошланганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд адвокатни «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги ва ишда иштирок этиш учун навбатчи адвокат жалб қилинганлиги асослари ҳақидаги ахборотнинг мазкур ахборот тизими орқали онлайн режимда ишлаш имконияти бошланган пайтдан эътиборан ўн икки соатдан кечиктирмай киритилишини таъминлаши шарт.

### 22-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатни алмаштириш асослари ва тартиби

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестридан чиқарилган тақдирда ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида бошқа адвокат билан алмаштирилади.

Бир адвокатни бошқа адвокат билан алмаштириш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг узлуксизлиги таъминланади.

### 23-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни тугатиш асослари

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида қуйидаги асосларга кўра тугатилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахснинг аризасига кўра;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида кам таъминланган шахслар тоифасидан чиқарилган бўлса;

қайси иш бўйича жисмоний шахсга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун илгари адвокат тақдим этилган бўлса, ўша иш бўйича мазкур жисмоний шахс бошқа адвокат билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган бўлса;

жисмоний шахснинг аризасида кўрсатилган масала бўйича юридик ёрдам кўрсатиш суднинг тегишли ҳукми, қарори ёки ажрими чиқарилганлиги муносабати билан якунланган бўлса;

психиатрия муассасаси томонидан жисмоний шахсга психиатрия ёрдамини кўрсатиш тугатилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олаётган жисмоний шахс вафот этган ёки вафот этган деб эълон қилинган ёхуд бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олаётган шахс адвокатдан белгиланган тартибда ёзма равишда воз кечганда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг адвокатдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

### 24-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқлаш

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган адвокатлар қонунчиликда белгиланган тартибга ва Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдамни сифатли кўрсатиши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқлаш учун адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида маълумотнома тузилади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотномада ишнинг рақами, ишда иштирок этган адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишда иштирок этиш кунлари кўрсатилади. Маълумотномада адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги билан боғлиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақида адвокат, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ва ваколатли давлат органининг мансабдор шахси томонидан баённома тузилади ҳамда имзоланади, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённомада ишнинг рақами, ишда иштирок этган адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишни рад этган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ваколатли давлат органи мансабдор шахсининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг лавозими, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишни рад этиш сабаблари, адвокат ишда иштирок этган кунлар ҳамда адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат алмаштирилган ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тугатилган ҳолларда, бу ҳақда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотномада ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённомада қайд этилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома адвокат томонидан имзоланади. Бунда маълумотноманинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишда адвокат иштирок этиши ҳақидаги қисми суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки тегишли ишни юритаётган бошқа ваколатли орган билан келишилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи адвокатдан воз кечганда адвокатдан воз кечиш тўғрисидаги баённома Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда тузилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённома ёки адвокатдан воз кечиш тўғрисидаги баённома «Юридик ёрдам» ахборот тизимига тегишли адвокат томонидан киритилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ маълумотлар махсус ваколатли давлат органи томонидан текширилиши лозим.

Махсус ваколатли давлат органи адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдамнинг сифати, муддатлари, ҳажми ва турини тасдиқлаш мақсадида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олган жисмоний шахслардан ва ишни юритаётган ваколатли органдан (мансабдор шахсдан) ахборот сўраб олишга ҳақли.

## 4-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш асослари ва тартиби

### 25-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш асослари

Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш учун давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённома асос бўлади.

Иш юритиш тўхтатиб турилгунига қадар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсга амалда кўрсатилган юридик ёрдам иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки ваколатли давлат органининг (мансабдор шахснинг) қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан давлат ҳисобидан молиялаштирилади.

Жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг адвокатдан воз кечиши билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этган ҳолларда адвокатдан воз кечиш тўғрисидаги баённома давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдамни молиялаштириш учун асос бўлади.

### 26-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш манбалари

Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

### 27-модда. Адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга ушбу Қонунга мувофиқ кўрсатилган юридик ёрдам учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда тўлов амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ алмаштирилган тақдирда ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ тугатилганда амалда юридик ёрдам кўрсатган адвокатга тўлов амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатга қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда тўлов амалга оширилиши керак.

Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатга тўлов Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ хизмат сафари ва транспорт харажатларининг ўрни қонунчиликка мувофиқ қопланади.

### 28-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш тартиби

Агар фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори давлат ҳисобидан юридик ёрдам олган жисмоний шахснинг фойдасига қабул қилинган бўлса, суд иккинчи тарафдан адвокатнинг ёрдамига ҳақ тўлаш бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қонунчиликда белгиланган миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети фойдасига ундириб олади, бундан иккала тараф ушбу Қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар деб эътироф этилган ҳоллар мустасно.

Жисмоний шахс ўзининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар тоифаларидан бирига киритилиши мақсадида ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги факти аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўрни юридик ёрдам олган жисмоний шахс томонидан қопланади.

Адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида ёлғон ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги факти аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни адвокат томонидан қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахс томонидан ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган тақдирда, бундай харажатлар суд тартибида ундирилади.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

### 29-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### 31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 16 июнь
№ ЎРҚ—848

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

←1 Хусусан, у Ўзбекистон ХМТ ва ташкилотга аъзо асосий давлатлар билан болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга барҳам бериш масаласида қисқа вақтда конструктив ҳамкорликда катта муваффақиятга эришганини олқишлади.

Учрашув якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан манфаатдор идоралар билан маслаҳатлашувларни давом эттиришга келишиб олинди.

Германия меҳнат ва ижтимоий масалалар федерал вазири Хубертус Хайл билан кечган музокараларда эса асосий эътибор ушбу мамлакат билан биргаликда ижтимоий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлаш ҳамда бандлик дастурларини ижтимоий ҳимоя билан боғлаш, шунингдек, ушбу тармоқларни рақамлаштириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига қаратилди.

Т. Норбоева йил сайин қамрови кенгайиб бораётган олий даражадаги сиёсий мулоқот туфайли мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда, шу жумладан, меҳнат муносабатлари йўналишида ҳам алоқалар ривожланиб бораётганини, меҳнат соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш, иш берувчилар салоҳиятини ошириш борасида Германия тажрибаси муҳимлигини таъкидлади.

Х. Хайл икки томонлама алоқаларнинг ижобий динамикасига тўхталиб, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очаётган меҳнат муносабатлари соҳасидаги келишувларни юқори баҳолади. Германия меҳнат жараёнларини фаоллаштириш ва бунинг учун ишончли ҳуқуқий асос яратиш орқали иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг БМТдаги махсус вакили Беате Андреес билан бўлиб ўтган учрашувда томонлар ХМТнинг Европа ва Марказий Осиё минтақавий бюроси ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Т. Норбоева Ўзбекистон ҳамиша халқаро меҳнат стандартларига риоя қилишга содиқлигини, бу йўналиш сиёсатимизда устувор бўлиб қолишини, ХМТ билан изчил ҳамкорликни меҳнат муносабатлари бўйича янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш орқали мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Беате Андреес, ўз навбатида, минтақавий идоранинг Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорлиги изчил давом эттирилишини таъкидлади.

— Ўзбекистон қисқа вақт мобайнида эришилган ютуқлар туфайли минтақа давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллади. Ташкилотимиз билан янада очиқ ҳамкорлик қилиш учун Ўзбекистонда сиёсий ирода мавжудлигини амалда ҳис этяпмиз. Шу муносабат билан ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ХМТ минтақавий ваколатхонасининг доимий эътиборида бўлади, — деди Б. Андреес.

**«Халқ сўзи».**

# «МЕҲНАТ ДУНЁСИ: ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҲАММА УЧУН»

←1 Делегациямиз раҳбари ўз чиқишида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди. Хусусан, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган аҳоли барча қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган давлат сифатида эълон қилингани, бундан ташқари, Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, ижтимоий-меҳнат соҳасига оид 40 дан ортиқ қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонни иш ўринлари яратиш ва адолатли ўтиш учун умумий ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича БМТ "Глобал тезлаткич" ташаббусида иштирок этишга таклиф қилишгани учун миннатдорлик билдирилди. Айни чоғда Ўзбекистонда мазкур механизмнинг барча элементи амалиётга жорий этилаётгани алоҳида урғуланди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари ижтимоий адолатга эришишда давлат ва ижтимоий шериклар, молия институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини ҳам қайд этди.

Сўзга чиққан Германия, Испания, Венесуэла каби давлатлар вакиллари ва БМТ Бош котиби ўринбосари, ХФЖнинг БМТдаги махсус вакили Ўзбекистон томонидан билдирилган таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлади.

Саммит якунларига кўра, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ижтимоий шериклар ва халқаро ташкилотлар жаҳонда ўсиб бораётган тенгсизлик ва қашшоқликка қарши курашиш учун бутун халқаро ҳамжамиятни келишилган ва мувофиқлаштирилган чоралар қабул қилишга, ҳукуматларни эса халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли билан саъй-ҳаракатларининг инсонлар ва умуман, сайёрамиз манфаати учун таъсирини максимал даражада оширишга чақирди.

**«Халқ сўзи».**

# БОШ МАҚСАД – ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

*Камбағалликни қисқартириш масаласи энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу муаммога илғор тажриба ва янги ёндашувлар асосида ечим топиш ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.*

*Кўп йиллар давомида "ёпиқ мавзу" бўлиб келган камбағаллик 2020 йилдан бошлаб очиқ тан олиниб, тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди ва бу муаммо билан жиддий шуғулланиш бошланди.*



## Муносабат

Ўтган даврда мамлакатимизда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича улкан ишлар қилинди. Натижада аҳолининг яшаш шароитлари тубдан яхшиланди, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Энг муҳими, уларнинг кайфияти, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Биргина 2022 йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилгани ҳам юртимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси, десак айни ҳақиқат.

Бундай натижаларга аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсат туфайли эришяпмиз.

Камбағалликни қисқартириш борасида бошлаган кенг кўламли ишлар бундан буён ҳам барча йўналишда "инсон — жамият — давлат" тамойили асосида қатъий давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йил 12 июнь куни имзоланган «Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Президент Фармони ҳам ўз вақтида қабул қилингани билан катта аҳамиятга эга.

Хўш, мазкур ҳужжатни қабул қилишга қандай зарурат бор эди, нега айнан камбағалликни қисқартириш масаласига бу даражада эътибор қаратилмоқда? Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ўзи, унда қандай янгиликлар, имтиёзлар ўз ифодасини топган.

Агар ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор берадиган бўлсак, у билан "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастури амалга оширилиши камбағалликни қисқартиришга қаратилган муҳим ташаббус, деб ўйлайман. Ушбу дастурда тадбиркорлик субъектлари уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган ҳамкорлик шартномалари асосида ихтиёрий равишда иштирок этади.

Ҳужжатда белгилаб қўйилганидек, дастурда камида 2 йил фаолият кўрсатаётган ва устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, 2023-2024 йилларда дастурни амалга ошириш учун жами 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилади. Бунда дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2023 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан тижорат банкларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси очилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 1 триллион сўм йўналтирилади. Халқаро молия ташкилотларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар жалб қилинади.

Фармонда кредит линияси маблағлари дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг мурожаатига асосан ажратилиши, кредит линияси маблағлари тижорат банкларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 фоиз ставкада берилиши ҳам белгиланди. Бу эса тадбиркорлар учун катта имконият ва рағбатдир.

Айтиш жоизки, дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига табақалашган миқдорларда имтиёз ва преференциялар берилаётгани ҳам бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ишсиз фуқароларни касбга ўргатиш ва ўз ишчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув марказларини қуриш ва жиҳозлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади. Бу орқали минг-минглаб ёшларимиз, хотин-қизларимиз касб-ҳунар эгаллаб, тадбиркорлик фаолиятларини бошлашади.

Умуман олганда, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Мазкур Фармон эса юртимизда камбағалликка қарши курашиш жараёнини янги босқичга олиб чиқиш, бу ишларга тадбиркорлик субъектларини манфаатли ҳамкорлик асосида жалб этиш ва уларга қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

◄1

Ушбу қонунларда юқорида кўрсатиб ўтилган тузилмаларнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий хизматчилар ва ходимлар томонидан жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қурол ишлатиш шартлари аниқ белгиланган. Мазкур ҳужжатларда ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик ҳамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ҳамда парламент томонидан қабул қилинди. Қонун билан давлат органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари белгиланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, юридик шахсларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишдаги иштирок этиши тартибга солинди. Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш тартиби, шахсларнинг, транспорт воситаларининг ва товарларнинг Давлат чегараси орқали ўтказилишини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш учун асосларнинг тўлиқ рўйхати белгиланди. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида махсус воситаларни, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллаш масалалари аниқ тартибга солинди.

Давлат органларининг давлатни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунлар, жумладан, «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Қурол тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

## Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назорати

Ўтган даврда Қуролли Кучлар фаолияти устидан фуқаролик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, марказда ва жойларда давлат органлари ва жамоат ташкилотларини ҳарбий қурилиш соҳасидаги вазифаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига, шунингдек уларнинг ижросини назорат қилишга жалб этиш йўлга қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида Қуролли Кучларнинг, Олий Мажлис палаталарининг, вазирлик ва идораларнинг раҳбарияти, вилоятлар раҳбарлари, ҳарбий округлар ва қисмлар қўмондонлиги, жамоатчилик вакиллари иштирокида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларини ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни арафасида анъанавий тарзда ўтказиладиган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида миллий армияни ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичи натижалари кўриб чиқилади, Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда иштирок этадиган вазирлик ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти танқидий баҳоланади, ҳар томонлама муҳокама натижаларига кўра, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш, Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар белгиланади.

Буларнинг барчаси шуни таъкидлаш имконини берадики, Хавфсизлик кенгашининг давлат раҳбарига миллий хавфсизликни таъминлаш ва ҳарбий қурилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашувчи маслаҳат коллегиал орган сифатида роли сезиларли даражада ошди. Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирдаги Конституцияда Хавфсизлик кенгашининг тузилиши ва унинг фаолиятини бошқаришни тартибга солувчи қоидаларнинг мустаҳкамланиши мантиқийдир.

Бундан ташқари, ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли сезиларли даражада оширилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий сектор ташкил этилиб, унга раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари зиммасига юклатилди. Ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарларининг асосий вазифалари сифатида ҳарбий шаҳарчалар ва полигонларнинг инфратузилмаси объектларини ривожлантириш, ҳарбий қисмларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар оилалари учун тураржой бинолари ва ижтимоий объектларни қуриш белгиланган. Ушбу вазифаларни молиялаштириш учун ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, уни шакллантириш манбалари белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида жамғарма маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши юзасидан ҳудуд раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш механизми жорий этилди.

Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назоратини амалга оширишда парламентнинг роли ошганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги кунда Олий Мажлис палаталарида ҳамда уларнинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталарида Қуролли Кучларни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, мудофаага ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилиши устидан парламент назоратининг самарали механизми йўлга қўйилди.

Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назорати тизимининг муҳим институти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва унинг минтақавий бўлинмалари ҳисобланади. Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотларининг, парламент иккала палатасининг, оммавий ахборот воситаларининг вакилларидан, таниқли ижодкорлардан ташкил топган ушбу Жамоатчилик кенгаши ва унинг минтақавий бўлинмалари ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилашга, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга масъулдирлар.

## Бошқарув тизими ва жанговар тайёргарлик

Сўнгги олти йилда қўшинларнинг бошқарув тизими, ҳарбий округларнинг, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг ва Ҳарбий ҳаво кучларининг таркибий тузилиши ҳамда вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги Бош штаби негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги Марказий аппаратини муқобиллаштириш натижасида замонавий талабларга жавоб берадиган янги таркибий бўлинмалар ташкил этилди.

Бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар ва муассасалар ўртасида тезкор маълумот алмашиш ва вазифаларни белгилаш имкониятини таъминлаб берувчи ҳимояланган алоқа тизими йўлга қўйилди. Ҳарбий округлар ва Қуролли Кучлар Академиясида ситуацион марказлар ташкил этилди, барча ҳарбий округ ва бригадалар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган мобиль қўмондонлик пунктлари билан таъминланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, бир қатор янги ҳарбий полигонлар ташкил этилди, шунингдек мавжудлари тўлиқ модернизация қилинди. Ҳозирги кунда барча ҳарбий полигонлар замонавий ўқув-моддий база билан жиҳозланган. Шундан 12 таси халқаро талабларга мувофиқ жиҳозланган бўлиб, улардан ҳарбий ишнинг турли йўналишлари бўйича халқаро ҳарбий мусобақаларни ўтказишда фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Фарғона», «Фориш», «Чирчиқ», «Каттақўрғон», «Термиз» ва «Нукус» полигонларига «Дала тайёргарлиги ягона марказлари» мақоми берилган ва ҳозирда улардан барча куч тузилмаларининг шахсий таркиби билан жанговар тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказиш учун фойдаланиб келинмоқда.

Яратилган шароитлар ҳар йили мамлакат ҳарбий полигонлари салоҳиятидан фойдаланиб, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигига доир 300 дан ортиқ турли тадбирларни, шунингдек, халқаро ҳарбий мусобақаларни ҳамда ҳамкорликдаги машқларни ўтказиш имконини беради.

Ўқув дастурларида жанговар тайёргарлик бўйича амалий машғулотларнинг улуши сезиларли даражада ошди, яъни парашютда амалий сакрашлар сони 2,2 баробар, ўқ отиш, пиёда юриш ва ҳарбий техникада ҳаракатланиш машғулотлари сони 3 баробар ошди.

Сўнгги бир неча йил ичида фақат Мудофаа вазирлиги тизимининг ўзида қўшинларни доимий жанговар тайёргарликда сақлаб туриш мақсадида жанговар вазиятларга яқин шароитларда 1100 дан ортиқ тўсатдан текширувлар ўтказилди.

## Ҳарбий-саноат комплекси

Ҳарбий қурилиш соҳасини замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, Қуролли Кучларни жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ушбу йўналишда белгиланган устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

2017 йилдан бошлаб маҳаллий ҳарбий-саноат комплексини босқичма-босқич яратиш ишлари бошланди. Хусусан, давлат ҳарбий буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул ваколатли давлат органи ташкил топди. Тармоқнинг бир қатор корхоналарида модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги тегишли Фармони қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини замонавий қурол-яроғ, ҳарбий ва махсус техника билан қуроллантириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича муҳим ташкилий-ҳуқуқий асос бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини қуроллантириш бўйича давлат комиссияси, шунингдек Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «O'ztextreyd» давлат унитар корхонаси ташкил этилди, ушбу тузилмаларнинг устувор вазифалари ҳамда уларни молиялаштириш манбалари белгиланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳарбий-саноат комплекси таркибига «MS REM TEX», «MS Barer textile», «Инновация технологиялари маркази», «Восток», «Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» каби етакчи корхоналар ҳамда бошқалар киради.

## Ҳарбий кадрларни тайёрлаш

Қуролли Кучларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири, шубҳасиз, ҳарбий таълимнинг сифатини ошириш ҳисобланади.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 2017 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ташкил этилиб, унда етакчи илмий ва таълим муассасаларининг тажрибаси мужассамлаштирилди. Ҳозирги



кунда Академияда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалга оширилмоқда, Чегара қўшинлари офицерларини тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети, Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий тузилмалари мутахассисларини тайёрлаш кафедраси ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ҳузурида олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқув-услубий ва илмий фаолияти мувофиқлаштирувини амалга оширувчи Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. Ўқув режалари қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди, натижада барча олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда ягона ёндашув бўлиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази, Олий ҳарбий авиация билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институти, Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси, Жамоат хавфсизлиги университети ва бошқа муассасалар фаолияти қайта ташкил этилиб, йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университетида Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази қайта ташкил этилиб, унда ҳар йили 700 нафар захирадаги офицерларни тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун кадрлар захирасини шакллантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси таркибида «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти шу жумладан, мамлакатнинг олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлашга қаратилган.

## Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳарбий хизматчилари ва ходимлари учун уй-жойларни имтиёзли ипотека кредити асосида олиш амалиёти жорий этилди. Жумладан, 2016 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри ва республика минтақаларида 224 та туражой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди, бунинг натижасида Мудофаа вазирлигининг 7225 нафар ҳарбий хизматчи ва пенсионерларнинг оилалари имтиёзли ипотека кредити асосида ўз квартирасига эга бўлди.

Барча ҳарбий қисм ва муассасаларда аёллар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислар лавозими жорий этилди. Ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарияти билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига иш ўринларини яратиш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича фаолият олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳарбий округда ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини тиббий таъминлаш тизими йўлга қўйилиб, унинг сифатини янада ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги Фармони ижроси доирасида ҳукумат ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини республика олий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга қабул қилиш учун тавсияномалар бериш тартибини тасдиқлади. Хусусан, бугунги кунга қадар Мудофаа вазирлиги мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, ҳарбий хизмат вазифаларини бажараётганда вафот етган ёки ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун 3765 та тавсиянома берди.

## Халқаро ҳамкорлик

Халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадаги давлатлар ўртасида ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси мудофаа соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2017 — 2023 йиллар мобайнида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги 8 та икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар имзоланди ҳамда парламент томонидан ратификация қилинди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси ва бошқа давлатлар билан имзоланган икки томонлама шартномалар парламент томонидан ратификация қилинди.

Бир қатор хорижий давлатлар, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркия, Германия, Франция, Ҳиндистон каби давлатлар билан ҳарбий ҳамкорлик бўйича алоҳида режалар тасдиқланиб, амалга оширилмоқда.

Сўнгги вақт ичида Мудофаа вазирлигининг 300 дан ортиқ ҳарбий хизматчилари хорижий олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олди. Ўз навбатида, эришилган келишувлар доирасида айни пайтда бир қатор хорижий давлатларнинг ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари «Кембрия патрули» (Буюк Британия), «Жамоавий руҳ» (Покистон), «Энг яхши снайпер жамоаси» (Туркия), «Энг яхши жангчи» (АҚШ) каби халқаро беллашув ва ўйинларда иштирок этиб, фахрий I ва II ўринларни эгаллади. «АрМИ — 22» халқаро армия ўйинларида иштирок этиш якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари мусобақада 7 та олтин, 10 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритиб, жамоавий ҳисобда фахрли II ўринни эгалладилар.

Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳарбий қурилиш соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини баҳолаб, Ўзбекистонда республикамиз мустақиллиги ва хавфсизлигининг кафолати бўлган, халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлашга қодир миллий Қуролли Кучлар шаклланганлигини таъкидлаш мумкин.

Шу билан бирга, бугунги воқелик ҳар бир раҳбарга мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларнинг салоҳиятини кучайтириш бўйича вазифаларни сифатли ва ўз вақтида ҳал этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ шахсий жавобгарлик юклашини аниқ англаш керак.

**Эркин САЛИХОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

**17 июнь — Бутунжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни**



# ОНА САЙЁРАМИЗНИ ТАБИИЙ ҲОЛИДА САҚЛАШ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФА

*Сир эмаски, охирги ўн йилликларда дунё бўйича турли хил табиий офатлар ва экологик фалокатлар кучайиб бормоқда. Масалан, сув тошқини, зилзила ва қурғоқчилик ҳолатлари тез-тез кузатилаётир. Бу эса пировард натижада бутун инсоният ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.*

*Ер ресурслари 97 фоиз инсонларни озиқ-овқат, ичимлик суви билан таъминлайди. Аммо, афсуски, ер экотизимларини, айниқса, умумий ер майдонининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этувчи лалми ерлар ҳаддан ташқари эксплуатация қилиниши ҳисобига ушбу таҳдид тобора кучайиб боряпти.*

Ерларни нотўғри суғориш, ернинг ифлосланиши, саноат чиқиндилари, қум, тош ва фойдали қазилмалар қазиб олиш жадаллашиши ҳам антропоген салбий таъсирни оширмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг кенгайиши, урбанизация ва инфратузилманинг ривожланиши ҳамда иқлим ўзгариши тезлашиши туфайли ер ресурсларининг деградацияси глобаллашиб, унинг учдан бир қисмига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Ачинарлиси, ернинг таназзулга учраши шу тарзда давом этадиган бўлса, бу 3,2 миллиарддан ортиқ аҳоли фаровонлигига путур етказиши ҳамда жиддий экологик ва иқтисодий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Алоҳида таассуф билан таъкидлаш лозимки, ерларнинг таназзулга учраши суръати йилдан-йилга ортиб бормоқда ва инсоният ўз тараққиётининг тарихий даврида 2 миллиард гектарга яқин унумдор ерлардан маҳрум бўлди, бу бугунги экин майдонлари ва яйловлар ҳажмидан анча катта.

Ер юзида 1,5 миллиарддан зиёд одамлар ҳанузгача тоза ичимлик сувига эга бўлмаётган бир пайтда чўлланиш ва қурғоқчилик сув танқислигини янада кучайтирмоқда. 2050 йилга бориб 3 миллиарддан ортиқ аҳоли бундай вазиятга тушиб қолиш эҳтимоли бор. Дунёнинг энг заиф жамоаларининг сувга бўлган асосий эҳтиёжларини қондира олмаслик, уларни қуруқ ва тақир ерларни тарк этишга мажбур қилмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб ернинг деградацияга учраши бутун дунё бўйлаб 135 миллион кишининг миграциясига олиб келиши мумкин. Бундай миграция ва танқислик, ўз навбатида, турли зиддият ва беқарорликларни ҳам келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

Шу муносабат билан жаҳон ҳамжамияти ўз саъй-ҳаракатларини чўлланиш, ерларнинг деградацияси ва қурғоқчилик муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ер экотизимининг табиий функцияларини сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўришга қаратиб келмоқда. Бунга мисол қилиб, 1971 йил 2 февралда Рамсар шаҳрида (Эрон) "Халқаро аҳамиятга эга бўлган сувботқоқ ерлар, асосан, сув қушларининг яшаш жойлари тўғрисида"ги конвенциянинг қабул қилинишини келтириш мумкин.

Шунингдек, 1994 йилда БМТ томонидан чўлланиш ва ер деградациясига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ишлаб чиқилиб, барча аъзо давлатлар томонидан имзоланди. Қолаверса, 1994 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида 17 июнь — Бутунжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни, деб таъсис этилди ва шундан буён ушбу сана дунё бўйича нишонлаб келинади.

Шу тариқа жаҳон ҳамжамияти зудлик билан она сайёрамизнинг беқарор экологик тизимларини тиклаш бўйича жамоавий ҳаракатларни бошлаб юборди. Бу саъй-ҳаракатлар чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш ва уларга мослашиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир инсонда келажак авлодлар олдида қарздорлик ҳиссини уйғотишга қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Хўш, бу борадаги вазият бизда қандай?

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳам республика бўйлаб чўлланиш жараёнлари кузатилади. Айни пайтда юртимиз ҳудудининг 70 фоизи чўл ва яримчўлдан иборат бўлиб, ундан ташқари, Орол ҳалокати натижасида 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллаган янги Оролқум чўли вужудга келган.

Ўзбекистон томонидан 1994 йил 7 декабрда "Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш тўғрисида"ги конвенция имзоланди. Ушбу конвенцияни амалга оширишни таъминлаш мақсадида 1999 йилда чўлланишга қарши кураш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилиниб, унда чўлланиш, таназзулга қарши курашиш ва қурғоқчиликнинг олдини олишга қаратилган қатор чоралар аниқ белгилаб берилди.

Юртимизда чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш, чўлланишга қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш, деградацияга учраган ерларни тиклаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг самарали бажарилишини таъминлаш чоралари ҳам кўриб келинмоқда. Жумладан, 2021 йил 30 декабрда қабул қилинган "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги пайтда унинг доирасида салмоқли ишлар рўёбга чиқариб келинмоқда.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида республика ҳудудида йилига 200 млн. дарахт ва буталар экилиб, яшил боғлар, жамоат парклари, "яшил белбоғлар", мевали плантациялар, тутзорлар, иҳотазорлар барпо қилинмоқда. Аҳоли уйлари, кўчалар ва ариқлар ёқалари, хиёбон ва паркларда райҳон, жамбил, ялпиз ва бошқа доривор ўсимликларни экиш ва уларни парваришлаш ҳам доимий эътиборда.

Биргина 2023 йил баҳор мавсумида манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини етказиб бериш кўрсаткичларига асосан Ўрмон хўжалиги агентлиги тизими ташкилотлари 22 млн., кўчатчилик фермер хўжаликлари (тадбиркорлик субъектлари) 47 млн., аҳоли томорқалари ва бошқалар 56 млн. ҳамда Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳудудий филиали томонидан 500 минг туп кўчатлар етказиб берилди.

Жорий йил учун тасдиқланган дастурларга асосан, туман ва шаҳарлар аҳоли пунктларида 347 гектар майдонда "яшил боғлар" ва 233 гектар майдонда "яшил жамоат парклари" лойиҳалари рўёбга чиқарилди.

Шу ўринда айтиш кераккi, ер деградацияси ва биологик хилмахилликни сақлаб қолиш экологик ҳамжамият иштироки ҳамда унинг давлат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги асосидагина таъминланади.

Кўриниб турибдики, ер экотизимларини асраб-авайлаш, инсониятга хавф туғдираётган чўлланиш жараёнини қайтариш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмаслик муқаррар экологик ҳалокатга олиб келади.

Шундай экан, ушбу эзгу саъй-ҳаракатларга фуқаролик жамиятини кенг жалб этган ҳолда, давлат ва фуқаролик жамияти интилишларини бирлаштириш муҳим. Қолаверса, халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлигимизни фаоллаштириш талаб этилади. Зеро, она сайёрамизни чўлланиш ва қурғоқчиликдан асраб-авайлаш кечиктириб бўлмас масаладир.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси,**
**Акромхон АВЛИЁХОНОВ,**
**ушбу қўмита етакчи консультанти.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6